

**Корхона ва ташкилотларга сикилган (сжатый) газ (метан) етказиб  
бериш тугрисида**

**Ш А Р Т Н О М А**

Хужайли шахри

№ 1

« 1 » сентябрь 2022 йил

Бундан кейин «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб аталувчи «ANTAKIA GOLD» масъулияти чекланган жамияти номидан Устав асосида иш юритувчи директори Х. Захидов бир томонидан ҳамда бундан кейин «ИСТЕЪМОЛЧИ» деб аталувчи \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ номидан \_\_\_\_\_

(корхона ёки ташкилот номи)

(устав, ишончнома)

асосан иш юритувчи \_\_\_\_\_ иккинчи томонидан куйидагилар тугрисида шартномани туздилар:

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.**

- 1.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га 2022-йили сикилган (сжатый) газ (метан) махсулотини сотади. Газ нархи «Етказиб берувчи» томонидан бериладиган ҳисоб-фактурада (накладной) 15 % ККС билан курсатилади.
- 1.2. Шартноманинг умумий суммаси \_\_\_\_\_ сум.
- 1.3. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг газ махсулотига уларнинг кувватидан келиб чиққан ҳолда кунлик ишлатадиган миқдори ва талабини ҳисобга олган ҳолда газ махсулотининг мавжуд манбаига қараб, Хужайли туманида жойлашган АГНКС орқали газни етказиб беради ва бу ҳақда таркатув ведомостига (раздаточный ведомость) ёзиб борилади.

**2. УЗ-АРО ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.**

- 2.1. Ушбу шартнома «Етказиб берувчи» билан «Истеъмолчи» уртасидаги уз-аро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тулов топшириқномаси билан амалга оширилади.
- 2.2. «Истеъмолчи» олинадиган газ махсулоти учун «Етказиб берувчи» ҳисоб-китоб рақамига олдиндан 100 % маблағлар утказиш йули билан белгиланган тартибда ҳақ тулаш мажбуриятини олади.
- 2.3. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га ҳисоб-китоб рақамига келиб тушган маблағга қараб махсулотини беради.
- 2.4. Газ нархи йил давомида узғариш эҳтимоли булганда «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га бу ҳақида хабар беради ва ушбу шартноманинг 1.1 бандидан ташқари барча бандлари уз кучини йукотмайди.

**3. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

- 3.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га сифати Давлат стандарт ва техник шароитларга жавоб берадиган газ махсулотини етказиб беришни қафолатлайди. Хар икки томон газ махсулотини етказиб бериш ва қабул қилишда Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади. «Етказиб берувчи» айби билан сифат буйича амалдаги стандартлар, техник шартлар талабига тугри келмайдиган газ махсулотини етказиб берилган «Истеъмолчи» газ махсулотини қабул қилишдан бош тортиш, «Етказиб берувчи»дан талаб даражасида булмаган газ махсулотини қийматининг 20 фоиз миқдорида жарима ундириш, агар махсулот қиймати туланган булса белгиланган тартибда туланган маблағни талаб қилиш ҳуқуқига эга.
- 3.2. «Истеъмолчи» газ махсулоти учун туловни уз вақтида туланмаганлиги учун «Етказиб берувчи»га муддати утказиб юборилган хар бир кун учун туланмаган махсулот қийматининг 0,4 фоиз миқдорида пеня тулайди.

*Захидов Х. З. [Signature]*

